

PhD М.Х.Вохидова

Тошкент давлат шарқшунослик университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар, уларнинг номланиши ва классификацияси билан боғлиқ бўлган муаммолар келтирилган.

Ўзбекистонда ривожланиб бораётган эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича ягона ёндашувга келиш ва амалиётда қўллаш учун таклифлар берилган.

Мамлакатда фаолият юритаётган ЭИЗларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш, ЭИЗда бизнес-инкубаторни очиш имконияти ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар: эркин иқтисодий зона (ЭИЗ), комплекс зона, кластерлаш, венчур молиялаштириш, бизнес-инкубатор.

INSTITUTIONAL BASES OF FREE ECONOMIC ZONES IN UZBEKISTAN

This article presents the problems of operating free economic zones in Uzbekistan, associated with their naming and classification.

Recommendations have been developed how to reach the organization, coordination and control of the activities of developing free economic zones in Uzbekistan.

The possibility of reconsidering the status of FEZs operating in the country, as well as the possibility of opening a business incubator in EИЗ is studied.

Keywords: free economic zone (FEZ), complex zone, clustering, venture financing, business incubator.

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ ОСНОВА СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В УЗБЕКИСТАНЕ

В данной статье представлены проблемы, связанные со свободными экономическими зонами в Узбекистане, их название и классификация.

Внесены предложения по единому подходу к организации, координации и контролю деятельности свободных экономических зон в Узбекистане.

Изучена возможность пересмотра статуса действующих в стране СЭЗ, возможность открытия бизнес-инкубатора в СЭЗ.

Ключевые слова: Свободная экономическая зона (СЭЗ), интегрированная зона, кластеризация, венчурное финансирование, бизнес-инкубатор.

КИРИШ

2020 йилга келиб, Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг сони 22 тага етди. Эркин иқтисодий зоналар – мамлакатнинг алоҳида солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатини олиб борадиган зоналар

бўлиб, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини, экспорт салоҳиятини ошириш ва аҳолининг бандлигини максимал даражада таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Мамлакатимизда ҳам ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар эвазига такомиллаштириш мақсадида ташкил этиляпти.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар 2009 йилдан бери фаолият юритаётган бўлса ҳам, шу даврга қадар уларнинг назарий-методологик асослари, классификацияси, номланиши, эркин иқтисодий зоналарнинг турлари ва уларга мувофиқ ҳолда тақдим этиладиган имтиёзлар бўйича ягона асосга келинган эмас.

Масалан:

- “Жиззах” МИЗ бажарадиган вазифасининг ва йўналишининг кенглигига қарамасдан махсус индустриал зона деб юритилади, “Ғиждувон” ЭИЗ эса зонаининг кичиклигига қарамасдан эркин иқтисодий зона деб юритилади.

- Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан эркин иқтисодий зоналарга зоналарнинг барчасига бериладиган имтиёзлар бирхиллаштирилди [1].

- Эркин иқтисодий зона ва кичик саноат зоналари деган икки тушунча остида бир хил имтиёзлар берилди.

- Навоий вилоятининг чегаралари ичида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган корхоналарга, зонада мавжуд бўлган ёки енгил барпо этиладиган инфратузилмаларда ишлаб чиқаришларни ихчам жойлаштирган ҳолда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақомининг [2] берилиши ҳам ушбу мавзунинг методологик жиҳатдан кенгроқ ёритиш долзарблигини келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли ҳам қуйидаги тадқиқотимизда эркин иқтисодий зоналар, уларнинг классификацияси, номланишидан келиб чиққан ҳолда бажарадиган вазифаси бўйича назарий хулосалар чиқарилади.

Тадқиқотнинг мақсади-Ўзбекистонда ривожланиб бораётган эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича ягона ёндашувга келиш ва амалиётда қўллаш учун таклифлар бериш.

Илмий тадқиқот давомида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез усулларида самарали фойдаланилган.

Жумладан, ЭИЗларнинг институционал фаолиятини тадқиқ қилишда ушбу йўналишда фаолият олиб борган олимларнинг тадқиқотлари илмий абстракциялаш методи ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган ЭИЗларнинг фаолият йўналиши ва номланиши, ЭИЗларда қўлланиладиган имтиёзлар ва преференцияларни таҳлил қилиш ва таклифлар беришда анализ ва синтез усулидан самарали фойдаланилди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Тадқиқот мавзусига оид илмий ишларни халқаро даражадаги қатор илмий мақолаларда учратиш мумкин. Жумладан, Нарарук Буньянам [3] Таиланд ҳукумати қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий зоналарни (АЭЗ) қишлоқ хўжалиги экинлари нархининг ўзгариши ва ҳосилдорликнинг ошиши туфайли фермерлар учун хавфларни камайтириш учун жорий қилганини, аммо зонадаги ҳуқуқий асосларнинг тўғри тартибга солилмаганлиги натижасида чекланган муваффақиятларга олиб келганини таҳлиллар натижасида келтиради.

Тадқиқотда Таиландда ЭИЗ дастурининг муваффақиятсизлигининг асосий сабабини таҳлил қилиш учун қишлоқ хўжалиги ерлари эгаларининг қишлоқ хўжалигини турли экинлар учун тақсимлаш тўғрисидаги қарорига таъсир қилувчи омилларни келтиради.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, фермерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ўз экин ерларининг жисмоний ва экологик хусусиятларини устувор деб ҳисобламайди. Асосий мақсад молиявий фойдани оширишга қаратилади.

Шунинг учун ҳукумат ушбу дастур учун давлат бюджети харажатларининг йўқотилишини олдини олиш учун ЭИЗ дастурини қайта кўриб чиқиши керак.

Сергея Сосновских [4] тадқиқотида Россияда махсус иқтисодий зоналар ва саноат паркларини ривожлантириш ва амалга ошириш жараёни кўриб чиқилади. Одатда, ҳукуматлар экспортни ривожлантириш ва диверсификация қилиш, иш ўринлари ташкил этиш ва технологиялар алмашиш учун ЭИЗ сиёсатидан фойдаланадилар. Саноат кластери концепцияси рақобат ва кластер ичидаги етказиб берувчилар тармоғининг аҳамиятига, инновациялар ва ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келадиган географик хусусиятлар ва давлат сиёсатининг уйғунлигига асосланади. Ушбу тадқиқот шуни кўрсатадики, Россияда ушбу ташаббусларни ишлаб чиқишда ҳукуматнинг ёндошуви тадбиркорлик фаолиятига жиддий халақит бермоқда ва ушбу иқтисодий зоналардаги фирмаларнинг ҳаётий рақобатдош ва кооператив хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбек олимлари орасида Ж.Каримқулов томонидан олиб борилган тадқиқотлар[5] натижасида Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини йўлга қўйишнинг зарурияти асосланади. Жумладан, мамлакат ҳудудида бўш турган йирик объектларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларда

ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини фьючерс шартномалари орқали сотиш таклифи ҳам келтирилган.

Аммо шунинг таъкидлаш керакки, кичик саноат зоналарининг ташкилий тузилиши ЭИЗлардан фарқ қилиб, улар, асосан, ягона фаолият турига йўналтирилган бўлади.

Иқтисодчи олимлар томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг фаолияти, уларнинг турлари ва ҳар шаклида қўлланиладиган солиқ юки, молиявий дастаклар кенг таҳлил қилинган. Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолияти кенг ўрганилиб, таҳлил қилинганлигига қарамасдан, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолияти ва уларда қўлланиладиган иқтисодий-молиявий дастакларнинг турларидан келиб чиқиб, эркин иқтисодий зоналар классификация қилинмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ мамлакатда эркин иқтисодий зоналарнинг эркин иқтисодий зоналари; махсус илмий-технологик зона; туристик-рекреацион зона; эркин савдо зоналари ва махсус саноат зоналари сифатида ташкил этилиши мумкин (Ушбу Қонун 2020 йил 17 майда кучга киради) [6].

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотга ҳамда назарий-услубий асосларга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар учта йирик гуруҳга бўлинади (1-расм).

1. Махсус эркин иқтисодий зоналар-ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, эркин савдо зоналари, эркин тадбиркорлик зоналари, агро ва технологик зоналар сингари йирик гуруҳларни ўз ичига олиб, фаолият турининг маълум йўналишига ихтисослашади. ЭИЗ резидентларига бериладиган имтиёз ва преференциялар ҳам уларнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда мослаштирилади. Масалан, эркин савдо зоналарида портларнинг харажатлари оптималлаштирилади, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зоналарда ЭИЗга олиб кириладиган хом-ашёга ва ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

2. Комплекс ЭИЗлар махсус ЭИЗларнинг бир нечтаси фаолиятини ўзида мужассамлаштиради ва тақдим этиладиган имтиёз ҳамда преференциялар ҳам шунга мувофиқлашади. Масалан, бир пайтнинг ўзида савдо ва ишлаб чиқариш учун имтиёзлар ёки инновацион тадқиқот ва ишлаб чиқариш учун имтиёзлар тақдим этилади.

3. Эркин иқтисодий зоналарнинг учинчи тури трансчеравий ЭИЗлар бўлиб, ўзида мамлакаларнинг ўзаро чегарадош зоналаридаги савдо ва логистика имтиёзларини мужассамлаштиради.

1-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарда қўлланиладиган имтиёзлар

	Эркин иқтисодий зонанинг тури	Қўлланиладиган имтиёзлар
	Махсус эркин иқтисодий зоналар	

1.	Эркин савдо зоналари Эркин портлар Консигнацион омбор Duty free	Соддалаштирилган виза ва божхона режими, даромад солиғи таътиллари ер солиғидан имтиёзлар, соддалаштирилган божхона режими божхона божлари ва ижара ҳақидан озод этилиши
2.	Хизмат кўрсатиш зоналари Оффшор зоналари Эркин туризм зоналари	Норезидентларни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган режими, даромад ва фойда солиғидан озод этилиши Ер, даромад ва фойда солиғидан имтиёзлар берилади
3.	Қишлоқ хўжалик (агро) зоналар	Лизинг, ер, даромад ва фойда солиғи, ривожланган инфратузилма, субсидиялар
4.	Инновацион зоналар Технопарк Технополис	Малакали ходимлар ва тадқиқотчиларни юқори ҳақ тўланадиган иш ва уй билан таъминланади, пасайтирилган фойда ва мулк солиғи
5.	Эркин ишлаб чиқариш зоналари импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зоналар Экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи зоналар	импорт хом-ашё ва асбоб-ускуналар учун пасайтирилган божхона божлари, субсидиялар, корхонани расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тизими ҚҚСни қайтариш тизими, даромад солиғининг пасайтирилган ставкаси, инновацион асбоб-ускуналарни импорт қилиш учун пасайтирилган божхона божлари, корхонани расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тизими
6.	Эркин тадбиркорлик зоналари	Даромад, фойда, ҚҚСнинг пасайтирилган ставкаси қўлланилади
	Комплекс зоналар	
	Импорт хом-ашё ва асбоб-ускуналар учун пасайтирилган божхона божлари, субсидиялар, давлат инвестициялари, ер ижарасидан чегирмалар	
	Трансчегаравий эркин иктисодий зоналар	
1.	Трансчегаравий	Божхона божлари ва солиқлардан озод этиш, товарларни сақлаш учун узайтирилган муддатларни қўллаш
2.	Чегаравий	ҚҚСни қайтариш тизими, корхонани расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тизими

* Муаллиф ишланмаси

1-жадвалдан кўриб турганимиздек, жаҳон иқтисодиёти назариясида эркин иқтисодий зоналарнинг 15 дан ортиқ тури қўлланилиб, уларга тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар ҳам турлихиллаштирилади. Масалан, хорижий мамлакатлар амалиётида экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи зоналарга ҚҚСни қайтариш тизими, даромад солиғининг пасайтирилган ставкаси, инновацион асбоб-ускуналарни импорт қилиш учун пасайтирилган божхона божлари, корхонани расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тизими кенг қўлланилса, қишлоқ хўжалик (агро) зоналарида кўчар мулк лизинги, ер, даромад ва фойда солиғи, ривожланган инфратузилма, давлат субсидиялари тақдим этилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ЭИЗларнинг мақоми

№	Фаолият юритаётган ЭИЗ	ЭИЗнинг мақоми	Муаллиф томонидан тақлиф этилаётган мақоми
1.	Навоий	ЭИЗ	Комплекс зона
2.	Ангрен	ЭИЗ	Комплекс зона
3.	Жиззах	Махсус индустриал зона	Махсус индустриал зона
4.	Ургут	ЭИЗ	Эркин савдо зонаси
5.	Ғиждувон	ЭИЗ	Эркин савдо зонаси
6.	Хазорасп	ЭИЗ	Эркин савдо зонаси
7.	Кўқон	ЭИЗ	Эркин савдо зонаси
8.	Андижон-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
9.	Сирдарё-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
10.	Нукус-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
11.	Зомин-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
12.	Косонсой-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
13.	Бойсун-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
14.	Бўстонлик-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
15.	Паркент-Фарм	ЭИЗ	Махсус фарм зона
16.	Яшнобод	Инновация технопарки	Технопарк
17.	Чирокчи	ЭИЗ	Комплекс зона
18.	Наманган	ЭИЗ	Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зона
19.	Бухоро-Агро	ЭИЗ	Қишлоқ хўжалик зонаси
20.	Сирдарё	ЭИЗ	Қишлоқ хўжалик зонаси
21.	Нукус	ЭИЗ	Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зона
22.	Термиз	ЭИЗ	Чегаравий эркин иқтисодий зона

* Муаллиф ишланмаси

Мамлакатда ЭИЗларни қабул қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларга назар ташлайдиган бўлсак, эркин иқтисодий зона ва у жойлашган зонанинг махсус хусусиятлари инобатга олинмаганини кўрамиз. Масалан, “Нукус” ва

“Наманган” ЭИЗларининг [7,8] асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари бир хил кўрсатилган. Ваҳоланки, бу икки ЭИЗни бир-бири билан таққослаш ва тенглаштиришнинг имкони мавжуд эмас. Нукус иқлими қуруқ ва ерлари мевазабзабот маҳсулотларини етиштириш учун унумдор эмас, аксинча Наманган иқлими юмшоқ ва ерлари ҳосилдор. Шу сабабли ҳам уларнинг вазифаси ва фаолият йўналиши қайта ўрганилиб чиқилиб, ҳар иккаласини “Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зона” деб аташ муаллиф томонидан тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Хоразм синов ва сертификатлаштириш марказлари қошида халқаро талабларга мос келадиган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича илмий ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларнинг ташкил этилиши “Ургут”, “Ғиждувон”, “Хазорасп”, “Қўқон” эркин иқтисодий зоналарининг халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконини оширди. Бу зоналарнинг халқаро савдо коридорларига яқин жойлашганини ҳисобга олган ҳолда “Эркин савдо зонаи” деб номлаш маъқул ҳисобланади. Ушбу экин иқтисодий зоналар резидентларига ҳам соддалаштирилган виза ва божхона режими, даромад солиғи таътилларини, товар ва маҳсулотларни сақлаш ва транспортировка қилишда имтиёзлар беришни йўлга қўйиш керак.

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналар билан боғлиқ қўлланиладайган тушунчалар ва фаолият турлари борки, улардан ЭИЗнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мумкин. Жумладан, ушбу тушунчаларга қуйидагилар киради: венчур молиялаштириш, бизнес инкубатор, кластерлаш.

Бизнес инкубатор-бу ёш тадбиркорларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш мактаби бўлиб, ғоянинг яратилишидан тортиб тижоратлаштиришгача бўлган жараёнларни молиявий ва маслаҳат-консултатив қўллаб-қувватлашни мақсад қилади. Одатда, бизнес-инкубаторларда фаолиятининг илк 3-5 йиллигида бўлган корхоналарга ер ва бинолар арзон ёки текинга ижарага берилади. Бизнес-инкубаторда фаолиятини бошлаган корхоналарнинг аксарият қисми ўз фаолиятининг бизнес-инкубатордан кейинги даврида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчига айланади. АҚШнинг машҳур Селекон водийсида ҳам Start-up Next, Forward Accelerator сингари машҳур бизнес-инкубаторлар фаолият олиб боради. Ривожланган мамлакатлар эркин иқтисодий зоналарининг кўпида бизнес инкубаторлар ва улар қошида коворкинг марказлари фаолият юритади. Бундай тизим ёш тадбиркорлик субъектлари билан йирик ва муваффақиятли тадбиркорлик субъектлари ўртасида мулоқотнинг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этиб, ёш тадбиркорлар учун мактаб вазифасини бажаради.

Венчур молиялаштириш тизими ҳам эркин иқтисодий зоналарда инновацион фаолиятнинг ривожланишида аҳамиятга эга бўлган молиялаштириш манбаларидан бири ҳисобланади. Венчур молияси ёки капитали- юқори ривожланиш салоҳиятига эга бўлган эрта ривожланиш босқичидаги компанияларга инвестицияларнинг бир шакли ҳисобланади. Венчур маблағлари сарфланадиган корхоналар одатда ёш компаниялар бўлиб, келажакда даромад келтиради. Венчур компаниялари ва фондлари бу компанияларда оз миқдордаги улушларини сотиб олиб, уларга молиявий ёрдам ва ўз бизнес тажрибаси билан ўсишга ва муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

Венчур молиячи инновацион жараёнларнинг тез ривожланиши учун имконият яратади. Одатда, эркин иқтисодий зоналар, хусусан, технопарк ва технополисларда бизнес инкубаторлар билан биргаликда венчур фонд ёки компаниялари ҳам фаолият юритади.

Кластерлар бир жойга юқори малакали мутахассислар, технология ва инвестициялар, кооперация ва ихтисослашувни жамлайди, қўшилган қиймат яратишнинг глобал занжирини ҳосил қилади.

Кластерлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, илмий тадқиқот, молия, давлат ҳамда хусусий сектор ҳамкорлигини бир зонада мужассамлаштириб, рақобат кучини оширишга эришади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерларни давлат қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватлайди:

- ўзига хос ноёб лойиҳаларни тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш;
- инфратузилма объектлари ва бинолар билан таъминлаш;
- илмий изланишлар ва инновацион харажатларга солиқларни пасайтириш;
- ярмарка, савдо миссиялари ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиб бериш;
- университетлар ва маъмурият билан алоқа тармоқларини таъминлаш;
- турли зоналар ва бошқа кластерлар билан транспорт алоқаларини таъминлаш ва бошқалар [9].

Одатда, саноат ёки илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятига ихтисослашган махсус иқтисодий зоналарда транспорт-логистика хизматларини қисқартириш ва инновацияларнинг ишлаб чиқаришга тез ва самарали тадбиқ қилинишини таъминлаш мақсадида кластерлашдан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган тушунчаларни Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарида ҳам қўллаш мумкин. Аммо бирхиллаштирилган ҳолда эмас.

Венчур молиялаштириш	Бизнес-инкубатор	Кластерлаш
<ul style="list-style-type: none">• технопарк• Махсус фарм зоналар• Комплекс зона	<ul style="list-style-type: none">• технопарк• Махсус индустриал зона• Комплекс зона	<ul style="list-style-type: none">• Комплекс зона• Махсус индустриал зона• Қишлоқ хўжалик худуди• Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган худуд

1-расм. Эркин иқтисодий зоналарга инновацион тушунчаларни қўллашнинг кўринишлари

**Расм муаллиф ишланмаси*

Венчур молиялаштириш тизими Ўзбекистон сингари ривожланаётган мамлакат иқтисодиётида муҳим манба ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизнес-инкубаторлар фаолиятининг илк даврида қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорлик субъектлари учун қўллаб-қувватловчи муҳим омилдир. Ўзбекистон технопарк, махсус индустриал зоналар ва комплекс зоналарида бизнес-инкубаторларнинг ташкил этилиши эркин иқтисодий зонага инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес рискларини камайтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Сергея Сосновскихнинг [4] илмий қарашларини қўллаб-қувватламаган ҳолда, муаллиф мамлакатда комплекс зона, махсус индустриал зона, қишлоқ хўжалик зонаи, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зоналарда саноат кластерларини қўллаш ва ташкил этиш муҳим деб, ҳисоблайди. Ўзбекистон ЭИЗларида саноат кластерларини қўллаш саноат тизимининг узлуксизлиги ва камҳаражатлигини таъминлаш имконини беради. Масалан, қишлоқ хўжалиги кластерида минерал ўғитларнинг ишлаб чиқарилиши, экин ерлари ва иссиқхоналарнинг, мева-сабзавотларни музлатиш ва консервалаш корхоналарининг, экспорт компанияларининг ягона махсус агро зонада жойлашиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширади ва экспорт имкониятларини кенгайтириб, зоналарнинг ихтисослашувига олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар таклиф этилади:

1. Мамлакатда фаолият юритаётган ЭИЗларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш таклиф этилади. Жумладан, “Навоий” ва “Ангрен” ЭИЗларига комплекс зона, Андижон-Фарм, Сирдарё-Фарм, Нукус-Фарм, Зомин-Фарм, Косонсой-Фарм, Бойсун-Фарм, Бўстонлик-Фарм, Паркент-Фарм махсус фарм

зоналар, Бухоро-Агро ва “Сирдарё” ЭИЗларига қишлоқ хўжалик зонаси мақомини бериш таклиф этилади;

2. “Нукус” ва “Наманган” ЭИЗларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари бир хил кўрсатилган. Ваҳоланки, бу икки ЭИЗни бир-бири билан таққослаш ва тенглаштиришнинг имкони мавжуд эмас. Нукус иқлими қуруқ ва ерлари мева-забзавот маҳсулотларини етиштириш учун унумдор эмас, аксинча Наманган иқлими юмшоқ ва ерлари ҳосилдор. Шу сабабли ҳам уларнинг вазифаси ва фаолият йўналиши қайта ўрганилиб чиқилиб, ҳар иккаласини “Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зона” деб аташ муаллиф томонидан тавсия этилган;

3. Ўзбекистоннинг махсус индустриал зона ва комплекс зоналарда бизнес-инкубаторни очиш таклиф этилади. Бундай тизим ёш тадбиркорлик субъектлари билан йирик ва муваффақиятли тадбиркорлик субъектлари ўртасида мулоқотнинг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этиб, ёш тадбиркорлар учун мактаб вазифасини бажаради.

4. Саноатни кластерлаш тизимини комплекс зона, махсус индустриал зона, қишлоқ хўжалик зонаи, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган зоналарда қўллаш экспорт имкониятларини кенгайтириб, зоналарнинг ихтисослашувида муҳим омил вазифасини бажаради;

5. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланиладиган венчур молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, ЭИЗларда венчур фондларини ташкил технопаркларни ривожлантиришдаги муҳим омил бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4853-сонли Фармони. 2016 йил 26 октябрдаги.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5719 сонли “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 15.05.2019

3. Nararuk Boonyanam. Agricultural economic zones in Thailand, Land Use Policy, 2018, ISSN 0264-8377, (<http://www.sciencedirect.com>)

4. Sergey Sosnovskikh. Industrial clusters in Russia: The development of special economic zones and industrial parks. Russian Journal of Economics, Volume 3, Issue 2, 2017, Pages 174-199.

5. Каримкулов Ж.И. Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш тенденциялари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил. www.interfinance.uz

6. Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сонли Қонуни

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нукус» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-5809-сон 04.09.2019

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наманган» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. ПФ-5517-сон 20.08.2018

9. Немат Холматов. Европа иттифоқида кластерлашнинг саноатлашув жараёнини жадаллаштиришдаги аҳамияти. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/67934-vropa-ittifoqida-klastrlashning-sanoatlashuv-jarayonini-jadallashtirishdagi-ahamiyati>